

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фарғонада ҳам шунинг гувоҳи бўласиз. Саноатда, қурилишда, тиб- бётда, маорифда, маданиятда эри- шиллаётган олға силжишларни санаб ўтирсан, биргина қишлоқ ҳўжа- лиги соҳасига назар ташлайдиган бўлсан, бу йил вилоятда пилла ҳам, гафла ҳам мўл бўлди, чорвачилик, паррандачилик ривожланиб бормок- да. Баҳордаги об-ҳаво қийинчилик- ларига қарамай, пахтачиликда ҳам муваффақиятларга имкон қадар пуқта замин яратилди. Деҳқончиликни

қолишмайдиган томошагоҳ гўшага айлантирилади. Туманларда бунёд этиш кўзланаётган маъмурий-маи- ший бинолар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ объектлар қурилиши кескин жадаллашади, минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлади, хона- донларнинг даромадига даромад қўшилаверади.

Эртаси куни янги томорқага кўчиб чиққан ўғлимнинг уйида чой ичиб ўтирсам, маҳаллий телемухбирлар келиб, мени суҳбатга чорлашди. Қишлоқлардаги ўзгаришлар ҳақида гапиришдан олдин, сўзларим курук

рига улашиб кетган дўкон, сарта- рошхона, ҳаммом. Ўнг тарафимиз- да тадбиркор Ҳошимназар Маматов қишлоқ ёшларига ўз маблағи ҳисоб- билан қуриб берган етти минг ўрин- диқли стадион, ундан қўйда замо- навий жиҳозлар ўрнатилган автомо- билларга ёниги қўйиш шохобчаси, "Пўлатобод" ошхонаси. Қўнанинг на- риги озида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили шарофати билан бу йил қуриб битказилган 13-мак- табнинг янги муҳташам биноси. Уни республикада хизмат кўрсатган кўрувчи Раҳматжон Эрабобоев етак-

часини яратиш вазифасини ҳам ўз зиммаларига олишган. Даст- лабки йигирмага яқин уй фойдал- ланишга топширилиш арафасида турибди.

Телемухбирлар уни ҳам суҳбат- га таклиф этишгани боис, кўп ўтмай, туманимиздаги таниқли иш- билармонлардан саналувчи Икро- мжон келиб қолди. Қўришяймиз-у, ҳаяжон ичига сизга сизга шун- бу йил қуриб битказилган 13-мак- табнинг янги муҳташам биноси. Уни республикада хизмат кўрсатган кўрувчи Раҳматжон Эрабобоев етак-

лар. Мен тўғриси айтдим, муста- қилликдан аввал велосипедим ҳам йўқ эди, энди Асакада қуриб бер- ган заводнинг эгизинг "Тико"сини мин- дим, "Дамас"ини миндим, хозир "Нексия"сини минаяман, дедим. Бундан кейин қанақасини минмоқ- чисиз, деб сўраган эдилар, бирин- чи ўринда юртимизда тинчликни сақлаб бериб, бизга ўзингиз бош бўлиб турсангиз, самолёт ҳам олиб минаман ҳали, деворибман. Сал оширвормадиммикин, ишқилиб?

Ҳа, соддагина йигит-а. Истиқло- лимизнинг 18 йили ичида "Нек- сия"гача етиб келган экан, яна 18 йилдан кейин, зарурат туғилса, са- молётга ҳам эга бўлиши мумкин- лигига нега ишонмаслик керак? Янши ният эрти мол, деб бежиз айтишмаган-ку.

Яна бир кун ўтиб, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Қаҳоржон Иброҳимов билан бирга- ликда Фарғонанинг турли жойлари- да бўлдиқ, йўл-йўлакай қўллаб ки- шилар билан суҳбат қурдик. Охири шундай хулосага келдикки, халқнинг кўнгли равшан, ўй-фикри янши ният- ларга тўла, кайфияти ниҳоятда кўта- ринки. Булар ўта муҳим омиллар.

Донларимиз элнинг ўт-сувидан доимо хабардор бўлиб турилса, тоғни ўпир десанг, ўпириб бера- ди, деб бежиз айтишмаган. Юрт- бошимиз бот-бот таъкидлаб кела- ётганидек, маҳаллий раҳбарлар аҳолининг кундалик тирикчилиги билан боғлиқ бўлган, бир қарашда майда-чуйдадек туялувчи эҳтиёж- ларга, айниқса, газ, электр, ичим- лик суви таъминоти каби масала- ларга бундан кейин ҳам эътибор- ли бўлиб, ҳар бир юмушга кўпнинг кўнглига қўл солиб қўриб ёндаш- салар, янши кайфиятдаги элни ҳеч бир иш яратувчанликдан чалғита олмаслиги аниқ.

Янши ниятлар, покиза мақсад- ларга таяниб, тобора гуржираб ўса- ётган юртимизга кўз тегмасин. Қўли қадоқ, нони ҳалол халқимиз- нинг насибаси янада улуг бўлавер- син.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.


СУРАТЛАРДА: олтириқлик со- хиборк Солиҳон Мирзаёнов фар- зандалари билан; Риштон ноҳири- нинг таъми бўлақча.

Ҳасан ПАЙДОВЕ олган суратлар.

НАСИБАСИ БУТУН ЭЛ

ривожлантиришда, айниқса, Кува, Тошлок, Олтириқ, Охунбобоев, Бу- вайда туманларида намунали ишлар амалга оширилмоқда. Техника, ўғит, ёниги таъминоти, сифатли уруғлик тайёрлаш ишлари йилдан-йилга янши йўлга қўйилмоқда.

Халқ ҳўжалигининг турли тар- моқларида эришилган зафарлар ўзи йўлга. Юртбошимиз сафар да- вомида ана шу ютуқлар оддий ме- хнаткашларга нималар берапти, уларнинг турмушида қандай ижо- бий ўзгаришлар ясапти, деган ма- салаларга асосий эътиборни қарат- гани фарғоналикларда жуда илиқ таассурот қолдириди. Кейинги 2-3 йилнинг ўзида қиёфаси янада гўзаллашиб кетган Фарғона шаҳ- ридаги, тобора навқиронлик касб этаётган қўна Қўқондаги, қатор ту- манлардаги яратувчанлик, ободон- лашув борасидаги ишларни Юрт- бошимиз зўр қониқш билан кўздан кечириб, юқори баҳо бериб- гина қолмай, худди қўнликларга, янгидан-янги бунёдкорликларга, та- мек тошини қўйиб берди. Бу мақ- садлар учун давлат ҳазинасидан миллиард-миллиард сўмлаб маб- лағ ажратилиши белгиланди. Де- мак, кўп ўтмай Фарғона шаҳри бу- ндан-да кўркамлашиб, хорижликлар- ни ҳам ол қолдирадиган маскан тусини олади. Қўқонда янги исто- роҳат боғи барпо этилади, қадим- ий ёдгорликларга жило берилиб, Юртбошимиз ифтихор ила таъкид- лаганидек, машҳур Самарқанддан



туялмаслиги учун лоақал маҳалла- дошларим турмушидаги ўзгариш- ларни суратта олишларини илтимос қилдим. Узоққа бориш шарт эмас, маҳалламиз аҳлининг турмуш дара- жаси нақадар юксалиб бораётгани- ни кўрсатиш учун шу турган жойи- миздан 50-100 қадам атрофдаги ин- шоотларни тасвирга туширишимиз- ни кўриш эди. Чап томонимизда барча қўлайликларга, зарур ускуна- ларга эга бўлган қишлоқ врачлик пункти, ёнида дорихона, кейингиси кутубхона. Ундан нариқоқда бир-би-

чилигидаги хусусий ташкилот бино- корлари барпо этишган.

У ёнини сўрасангиз, фақат ҳашамати билан эмас, сотувчи- лар ва харидорлар учун ўта қўлай шароитлар яратилгани, миллий усулларга алоҳида аҳамият бер- ирилгани билан Юртбошимизнинг таҳсинига сазовор бўлган Қўқон- даги деҳқон бозорини ҳам шу азаматлар қуришган. Бундан ташқари, улар Олтириқда янги оилалар учун 200 га яқин томор- қали уйлар қуриб, ёшлар қишлоқ-

мизнинг суҳбатини тинглаб қайт- ган экан.

— Президентимиз фермерлар билан бирма-бир қўришиб кела- ётди, бирдан олдимда тўхталиб қол- дилар, — дея қўзларидан фохр ў- қунлари сачраб сўзлай кетди у. — Ҳол-аҳвол сўраб бўлганларидан кейин, ишларини суриштирдилар. Бор ютуқларни тўқиб солдим. Шун- да у киши, ютуқларнинг кўпчилиги янши, лекин бундан оилангиз қан- дай наф қўрапти, ҳеч бўлмаса, ав- томашинангиз борми, деб қолди-

Тиббиёт мутахассисларининг халқаро анжумани

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, юртимизда эл саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонли- гини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами то- бора кенгайиб бормоқда.

Маълумки, ички касаллик- лар, жумладан, йўғон ичак хасталиқларига ўз вақтида аниқ таъбир қўйиш ҳамда муолажа усулларини қўллаш билан қўллаб оғир асорат- ларнинг олдини олишга эри- шилиши мумкин. Анжуманда шу хусусда сўз бора экан, бун- дай хасталиқларнинг кенг тарқалишига йўл қўймайлик мақсадида Ўзбекистон Рес- публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қатор чора-тадбирлар режаси иш- лаб чиқилганлиги қайд этил- ди. Бинобарин, жойларда те- рапевт, гастроэнтеролог мута- хассислар ҳамда малака- ли жарроҳлар иштирокида касаллик таъбирини ва муола- жаси, қолаверса, унинг ол- дини олиш борасида самар- али усуллар қўлланилапти.

Бундан ташқари, респу- бликамизнинг барча вилоят- ларидаги тиббий муассаса- ларда қўшма ичак хасталиқ- ларнинг даволовчи махсус бўлимлар фаолият юритапти. Республика Колонпрок- тология илмий маркази эса мазкур бўлимларда фаолият юритаётган шифокорлар- га услубий ҳамда амалий қўмақ берувчи илмий даргоҳ- дир.

— Юртингиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган янгиликлар, эришилган натижалар таҳсинга сазовор, — дейди Россия Фанлар академия- сининг академиги Геннадий Воробьев. — Анжуман- да иштирок этиб, иш тажрибасини жаҳон миқёсида оммалаштириш мумкин бўлган қўллаб ўзбекистон- лик ҳаммаслар билан тани- шдик. Келгусида улар билан ҳамкорлик алоқала- римизни янада мустаҳкам- лаб, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш ниятидамиз.

Анжуманда юртимиз шифокорлари ва хорижлик мутахассислар тўри ва йўғон ичак саратонини да- волашнинг янги усуллари, шу турдаги хасталиқ- ларда муолажа жарроҳлик усулларини қўллаш каби мавзулар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур эркин индустриал- иктисодий зона худудида ҳўжа- лиқ юритувчи субъектлар фао- лиятининг асосий йўналиши — замонавий асбоб-ускуналар ва техника, технология линиялар ва модулар, инновация тех- нологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобат- бардор маҳсулотларни кенг қўламада ишлаб чиқаришдан иборат. Мазкур худудда электр- техник ва электрон маҳ- сулотларнинг кенг номенкла- тураси, машинасозлик, авто- мобиль саноати бутловчи қисмлари, озиқ-овқат, фар- мацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чи- қариш режалаштирилмоқда.

"Навоий" эркин индустриал- иктисодий зонада рўйхат- дан ўтган ҳўжалиқ юритувчи субъектлар, уларга киритил- ган тўғридан-тўғри инвести- циалар ҳажмига қараб, 7 йил- дан 15 йилгача ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий ин- фратузилани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жам- гармаси ва Республика мак- таб таълимини ривожланти- риш жамгармасига мажбурий тўловлардан озод этилади.

"Навоий" эркин индустриал- иктисодий зонада рўйхат- дан ўтган ҳўжалиқ юритувчи субъектлар мазкур эркин индустриал-иктисодий зона фаолият кўрсатадиган бутун муддатта экспортга йўнал- тилган маҳсулот ишлаб чи- қариш мақсадида мамлакат- га олиб келинаётган асбоб- ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутлов- чи қисмлар божхона тўловла- ридан (божхона расмийлаш-

тируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб қирилган хом ашё, материаллар ва бут- ловчи қисмлар учун божхона

ий" эркин индустриал-иктисодий зонада 50 та лойиҳа ўзлаштирилиши режалашти- рилган.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси таш- қи иктисодий алоқалар, ин- вестичиялар ва савдо вазири Э. Ғаниев, иктисодий вазири-

ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

тўловлари, агар қонун ҳуж- жатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставка- ларнинг 50 фоизини миқдоридан (божхона расмийлаштиру- ви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда улар- ни тўлаш муддати 180 кунга- ча кечиктирилиши мумкин.

"Навоий" эркин индустриал- иктисодий зонада рўйхат- дан ўтган ҳўжалиқ юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ҳамда тўловларни мажбурий зона худ- удида хорижий валютада амал- га оширишга рўхсат этилган.

Бугунги кунгача "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонада саноат корхоналари ташкил этиш бўйича умумий ҳажми 187 миллион АҚШ дол- ларидан зиёд 19 та битим имзоланди. Мазкур лойиҳа- лар доирасида ташкил эти- ладиган корхоналар тўлиқ ишга тушганидан сўнг улар томонидан йилга 375,5 мил- лион АҚШ долларлик маҳ- сулотлар ишлаб чиқарилади ва унинг қарий ярми экспорт қилинади. 2010 йилда "Наво-

ий" эркин индустриал-иктисодий зонада 50 та лойиҳа ўзлаштирилиши режалашти- рилган.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси таш- қи иктисодий алоқалар, ин- вестичиялар ва савдо вазири Э. Ғаниев, иктисодий вазири-

лик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиғи, фармацевтика каби қўллаб соҳалардаги салоҳия- ти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сисеий ва иктисодий барка- рорлик янги ички маҳсулот- нинг мунтазам ўсишида му-

ҳим омил бўлаётгани таъкид- ланди.

— Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорлик- ни юксак қадрлайди, — дейди Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао. — "Навоий" эркин индустриал- иктисодий зонада ишбилармонларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун бар- ча қўлайликлар яратилганига яна бир бам бўлдим.

Ўзбекистон юксак иктисодий кўрсаткичларга эришмоқда. Айниқса, савдо ва саноат соҳа- лари жадал ривожланмоқ- да. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ўз вақтида ишлаб чиқилган ва ҳаётга ишқид татбиқ этилган иктисодий дастурлар самара- сида Ўзбекистон жаҳон мо- лиявий-иктисодий инқирозидан даярлик зарар қўрмади. Ушбу халқаро конференция- га дунёнинг етакчи молия му- аассасаларидан қўллаб қав- лаш таъриф буюргани Ўзбе- кистон иктисодийнинг бар- қарор ривожланаётгани ҳамда бу ерда муваффақият- ли фаолият юритиш учун бар- ча имкониятлар яратилгани-

дан далолатдир. Юртингизда бошқа соҳалар қатори таълим жаҳасида ҳам амалга оши- рилаётган кенг қўламли ис- лохотлар натижасида аҳоли- нинг интеллектуал салоҳияти муттасил юксалиб бораёт- га. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон- да барча соҳаларда олиб бо- рилаётган ислохотларни кенг қўллаб-қувватлайди.

Меҳмонлар "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зона- да яратилган қўлай сармо- явий муҳит ва имкониятлар, қўшма сармоияларнинг истиқ- боли, шунингдек, юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иктисодий тизимини ривожлан- тириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ис- лохотлар, кичик бизнес ва ху- сусий тадбиркорликни ривож- лантириш борасидаги ўзга- ртишлар билан танишдилар.

Конференция доирасида Ўзбекистоннинг қатор ком- пания ва корхоналари ҳамда чет эл ишбилармон доиралари вакилларининг кооперация билан бўлиб ўтди. Унда хо- риқлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, мавжудларини яна- да мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Анжуман якунида мамла- катимиз корхоналари билан хо- риқлик компаниялар ўртаси- да нефть-газ, ёқилғи-энерге- тика, фармацевтика, енгил саноат, тўқимачилик, озиқ- овқат ва кимё саноати, электр-техника, машинасозлик каби қўллаб соҳаларда ҳам- корликка оид ҳўжатлар им- золанди.

Конференцияда Ўзбеки- стон Республикаси Бош вази- рининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

ДОЛЗАРЪ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, тадбиркор- лик субъектларига бино ва иншоотларга ер ажратиш ҳамда мулкий ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир амалдаги қонунларнинг ҳолати, қишлоқ ва шаҳарлар- да қайта ишлашни ташкил этиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари тайёрлаш бўйича янги ташкил қилинаётган кор- хоналар фаолияти учун қўлай шароитлар яратишга доир маърузалар тингланди.

Тақидланганидек, тадбир- корликка қўлай шарт-шароит- лар яратиш юзасидан муай- ян ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиғига тааллуқли бўлмаган, фойдал- ланилмаётган ерлар, ишлаб чиқаришни жойлаштиришга мос бўш ётган бинолар ўрга- нилмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари ушбу соҳага оид қонунчилик- нинг ҳолатига эътибор қарати- шар экан, хозирги вақтда ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва реконструкция қилиш учун ер майдонлари- ни ажратиш, уларнинг экологик ва техник хавфсизлигини таъминлаш, кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатига олиш, мулкка бўлган ҳўқуқларни ҳимоя қилиш, ер қонунчилигини бу-

зишга оид жавобгарлик Ўзбе- кистон Республикаси Консти- тучияси, қатор кодекслар ва қонунлар билан белгилангани алоҳида қайд этилди. Бундан ташқари, ушбу то- ртибдан белгиланган қатор ҳўқуқий мажмуалар, идора- вий йўриқномалар, низоомлар ва бошқа ҳўжатлар ҳам мав- жуд. Бироқ рўхсат берувчи ҳўжатларни расмийлашти- ришда нафақат тадбиркор- лар, балки ҳўқуқшунослар ҳам баъзан қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бундай ҳолат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари- ни ташкил этишга қаратил- ган вазифаларни ўз вақтида, сифатли амалга оширишга тўққинлик қилаётди.

Йиғилишда мавжуд муам- моларни бартараф этиш, жум- ладан, ноозиқ-овқат маҳсулот- ларини ишлаб чиқарувчи субъектларга янги бино ва ин- шоотларни қуриш ҳамда ре- конструкция қилишда ер аж- ратиш жараёнини соддалашти- риш, кадастр ҳўжатларини расмийлаштиришга қаратил- ган қонун меъёрларини тақо- миллаштириш ва шу орқали аҳоли даромадлари ҳамда фа- ровонлигини оширишга хиз- мат қиладиган таклиф ва та- всиялар билдирилди.

Эйдо АШУРОВА.

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

назорат қилиш тизимини та- қомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар таърифидаги қарори ижроси юзасидан бир талай ишлар- ни амалга оширмоқдалар. Электр энергиясини назорат қилувчи ва тижорат ҳисоби- ни юритувчи автоматлашти- рилган ахборот-ўловчи тизими шулар жумласидандир. Ушбу тизимнинг афзаллиги шунда- ки, ҳар бир хонадон ёки кор- хонада ишлатилаётган электр энергияси компьютер ёрда- мида ҳисоблаб борилади. Бу эса, ўз навбатида, энергия- ни тежа ш имконини бериш билан бирга, истеъмолчилар учун ҳам қўлайли яратди.

Айни пайтда пойтахтимиз- нинг Миробод, Яққасарой, Мирзо Улўбег, Чилонзор ту- манларида ҳамда Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳри- даги бир неча маҳаллалар- да мазкур тизим ишлаб ту- рибди.

— Мамлакатимизда амал- га оширилаётган изчил исло- хотлар иктисодийнинг бар- ча тармоқлари сингари энер- гетика тизимининг ҳам тақо- миллашган ҳолда тараққий этишига хизмат қилаяпти, —

дейди компаниянинг энерге- тика ривожлантириш ис- тикболи бошқармаси бош- лиғи Раваҳон Ортиқов. — Хал- қаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бу бо- радаги ишларни яна бир бор таҳлилдан ўтказиш, қолавер- са, тажриба алмашиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар яра- тиб беради. Бу тадбирлар- да компаниямиз тизимдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган иссиқлик электр станциялари учун узоқлар, иссиқлик изоляцияси матери- аллари, таянч линияларни со- тиш юзасидан етмиш милли- ард сўм миқдорига шартно- малар тузишни режалаштир- ганмиз.

Шунингдек, кеча Ўзбеки- стон Давлат геология ва ми- нерал ресурслар қўмитаси, "Ўзбекнефтгаз" миллий хол- динг компанияси, "Ўзстан- дарт" агентлиги, "Узпахтасаноат" уюшмаси, "Тошкент трактор заводи" ва "Чирчик- селмаш" очик акциядорлик жамиятлари, "Файз" холдинг компанияси тизимдаги кор- хоналар маҳсулотларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Дилшод УЛУҒМУРОВО, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ НАТИЖАСИ

Сув насослари ва электр машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Суваш" очик акциядорлик жамияти нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам нуфузли корхона ҳисобланади.

Эътиборли томони, сўнгги вақтларда бу ерда бир қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда келиб, корхонада насослар ва электр машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлиб, 3 минг киловатт қувватта эга электр двигателларини таъмирлаш ҳам ўзлаштирилди.

370 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилган мазкур корхона цехларининг модернизациялаштирилиш, техник ва технологик қайта жиҳозланганиги мазкур ютуқлар омили бўлмоқда.

О. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Изланиш

— Таъкидлаш керакки, А. Селиванов дунёга техникалар ишончилиқ кўрсаткичларининг тадқиқотчиси сифатида танилган, — дейди суҳбатдошимиз. — Чунки у

тиролар муаллифлари мунтазам рағбатлантирилиб келинаётганининг самарасидир. Сўзимизнинг исботи тарихида аънаъанавий ўтказилган республика инновация гоилари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасини айтиш қиёфя. Мазкур тадбир доирасида респу- бликамиз олимларининг энг сўнгги ишланмалари намойиш этилиб, ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилинапти. Буни ўзим меҳнат қил- лаятган Тошкент ирригация ва мелiorация институти олимларининг фаолияти мисолида аққол ҳис этаман. Бу эътибор бизни рўҳланти- рай, янада гайрат-шижоат билан ишлашга ундамоқда.

Халқимиз бобгонлари боб-роғлар бунёд этгани, деҳқонларни риқ-рўз яратгани учун доимо адроклаб, меҳнатини қадрлайди. Асли- да, улар эришаётган муваффақиятлар замирида меҳнат олимларининг ҳам меҳнати муҳассама. Этан, уларнинг замонавий илмий ишланмалари ерларнинг унумдорлигини яхшилаш, экинлар ҳосилдорлигини оши- риш, техникаларнинг бекунсон ишлашига, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳўжалиғи ривожига хизмат қилмоқда.

С. РАҲМОНОВ.

Фан ва ишлаб чиқариш уйғунлашган жойда барқарор иктисодий ривожланиш кўзга ташланади. Бу моддий ресурсларни тежаб баробарида, бир қатор ижтимоий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

ФАН-ТЕХНИКА ЙИГИЛИКЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Шу боис мамлакатимизда бошқа соҳалар қаторида, иктисодий тар- моқларига янги тажриба-конструк- торлик ва технологик лойиҳалар, замонавий инновация ишланмалари- дан энг юқори самара беради- ганлари танилаб олинди, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу борада Пре- зидентимиз Ислам Каримов томо- нидан 2008 йил 15 июлда имзо- ланган "Инновация лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқариш- га татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбир- лар тўғрисида"ги қарор дастури- ланган бўлиб хизмат қилаяпти.

Айтиш жоизки, иктисодий тизим- нинг етакчи тармоқларидан бири — қишлоқ ҳў

24 соат ичида

ЖАҲОН

Бирлашган Араб Амириклари Шаржа шаҳри аэропорти яқинида юк ташувчи самолёт ҳалокатга учради.

Аэропортдаги ҳодиса

"АФР" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, ҳаво лангари парвозни амалга оширишдан бир оз вақт ўтиб, кулаб тушган. Оқибатда олти киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча фалокат сабабларига оидлиги кiritилгани йўқ. Гувохларнинг сўзига қараганда, самолёт ҳаводаёқ ёна бошлаган.

Ярим миллиарддан ошди



Хитойнинг "China Mobile" компанияси абонентлари сони 500 миллиондан ошган дунёдаги биринчи уяли алоқа операторига айланди, дея хабар тарқатди "Bloomberg" ахборот агентлиги.


Аниқроқ айтилган бўлса, айти пайта компания 508,4 миллион миқозга хизмат кўрсатмоқда. Бу миқдор, ҳатто, АҚШ ва Россия уяли алоқа операторлари абонентларини кўшиб ҳисоблаганда ҳам анча кўпдир. Даромад кўриш борасида "China Mobile" жаҳон алоқа бозорига етакчи саналади. Унинг йиллик соф фойдаси 4,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Яқун қувонтирмади

Жаҳонга машҳур "Fiat" автоконцернининг даромади жорий йил учинчи чорада сезиларли даражада пасайиб кетган.

Манбада келтирилишича, компаниянинг шу даврда кўрган фойдаси ўтган йилдагига нисбатан 16 фоизга қисқарган. Изоҳлашича, гарчи "Fiat"нинг энгил автоуловлари сотуви 10 фоизга ошган бўлса-да, унинг қишлоқ хўжалиги техникалари ва юк машиналарига талабнинг кескин камайиб кетиши маъмури ҳолатга сабаб бўлган.

Савдода кўк атиргуллар



Японияда дунёда биринчи бўлиб кўк рангдаги атиргуллари савдога чиқариш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш кераки, шу вақтгача табиий ҳолда ўсадиган бу турдаги атиргуллар мавжуд эмасди. Мутахассислар уларни яратиш учун қарий 20 йил иштирокчи бўлиб келишган. Бу мақсадларига эришишди. Бу янгилик Япония биологик ҳавфсизлик кўмитаси томонидан ижобий баҳоланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА – ИШОНЧЛИ ҲАМЁН

Яқинда мангитлик тадбиркор Охунжон Усмонов Асака автомобил заводининг Нукусдаги дилери — "Қорақалпоқавтотех" акциядорлик жамиятидан "Нексия" автомашинасини сотиб олди. У бу харид "Асакабанк"нинг пластик картчаси орқали тез ва осон битганидан хурсанд. Оила соҳибининг Нукусга эрталаб кетиб, пешиндан сўнг янги машина миниб келганини кўрган фарзандлари ҳам мамнун бўлишди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик картчалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳоли турмушини яхшилашда яна бир қўлайлик яратилишига асос бўлди. Айти пайта бозорларда, дўконларда, ҳатто сервис шохобчаларида ҳам хизматлар пластик картчалар орқали амалга оширилаётгани ушбу янгилик ҳаётимызга шиддат билан кириб келаётганидан далolat беради. Бир мисол. "Асакабанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида 2008 йилнинг май ойига 15203 та миқоз пластик картчалар билан таъминланган бўлса, 2009 йилнинг июнига келиб, бу кўрсаткич 20443 тага етди.

Юртдошларимизнинг, айниқса, халқаро пластик картчаларга қизиқиши ортаётгани эътиборга молик. Жумладан, мазкур

банк филиалида шу йилнинг июнигача "Master Card" ва "Maestro" чет эл валюта-сидаги халқаро пластик картчалар соҳиблари сони 1064 нафарни ташкил этди. Ҳозирги кунда, шунингдек, банк филиа-

Хизмат

ли томонидан шаҳар, туман марказлари ва қишлоқларда терминаллар тармоғини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу қўнғача савдо ва сервис қорхоналарида 160 та терминал ўрнатилгани, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида улар орқали 14496,6 миллион сўмлик пул айланмаси амалга оширилгани бунинг тасдиғидир.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, жами 272234 дона пластик кар-

точка муомалага чиқарилиб, савдо ва пуллик хизмат шохобчаларига 1496 дона терминал ўрнатилган эди, — дейди Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Исмоил Давлетмуратов. — Пировардида пластик картчалар ҳисоб рақамларига жами 73,6 миллиард сўм маблағ ўтказилди. Шунинг 47,5 миллиард сўми, яъни 64,5 фоизи савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар орқали ойлик иш ҳақи тўлашга йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, 2009 йилнинг январь-август ойлари давомида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пластик картчалар ҳисоб рақамларига ўтказилган маблағлар миқдори 3,6 баробарга, терминаллар орқали савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари 5,1 баробарга кўпайишига эришилди.

Буларнинг бари аҳоли замонавий ўларвоситаларидан кенг фойдаланиб, бозор муносабатлари турмуш тарзимиизга айланаётганидан далolatдир.

Хизмат АҲМЕДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

2009-2010 ўқув йили учун аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

17.00.07. — Музейшунослик, бадиий қадриятларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш.

17.00.08. — Маданият назарияси ва тарихи.

Ҳужжатлар 2009 йил 20 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари: мутахассислик фани, фалсафа ва чет тили фанларидан бўлиб ўтади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй, Илмий бўлим, 27-хона. Телефонлар: (8-371) 232-17-62, 232-18-10.

Мы рады вам!

Наше Успенское Софранье

UNFPA

1994 йили Қоҳирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича халқаро конференция (АРХК) кунининг 15 йиллигига бағишланган

ТАНЛОВ

«Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, UNFPA, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси ҳамкорликда «АРХК+15: ривожланиш йўлида» номли ижодий ишлар танловини ташкил этмоқда.

Ушбу танловда оналар соғлигини асраб-авайлаш, соғлом оила қуриш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш мавзулари ва шу каби аҳолишунослик ҳамда ривожланиш масалаларига асосий эътибор қаратилади. Кўриб чиқиш учун қабул қилинаётган ижодий ишлар ўз ичига расм, плакат, фотосурат, шунингдек, амалий санъат буюмларини (керамика, тахта, металл билан ишлаш ва ҳоказо) қамраб олади. Қабул қилинаётган ижодий ишлар АРХКнинг амалиёт дастурига тегишли мавзуларни кўрсатиб бериши лозим. Бундан ташқари, топширилаётган ишларда АРХК дастурини миллий ва глобал даражада амалга оширишга ҳақиқат ҳамда мурожаат бўлиши керак.

- Қуйидаги мавзулар эътиборга муносиб:**
- репродуктив саломатлик, хусусан, оналар соғлигини асраб-авайлаш ва соғлом оила қуриш:
 - 1) соғлом она — соғлом гўдак;
 - 2) бола туғиш орасида камидан уч йиллик оралиқ сақлаш;
 - 3) жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар, шу жумладан, ОИВ инфекциясининг олдини олиш каби жихатларини қамраб олади; - оналар репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом оила қуриш ва болаларни тарбиялашда эркакларнинг тугган ўрни;
 - ҳаётнинг ҳар бир соҳасида эркаклар ва аёллар орасидаги тенг ҳамкорлик муносабатлари (оилада, ижтимоий ҳаётда ва келишмовчиликлардан халос бўлган муҳитни яратиш).

Мақсад гуруҳи

Танловда иштирок этиш учун аҳолининг қуйидаги тоифалари таклиф этилади:

- 1-ёш тоифа — 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган шахслар;
- 2-ёш тоифа — 16 ёшдан 24 ёшгача бўлган шахслар;
- 3-ёш тоифа — 25 ёш ва ёши ундан катта бўлган шахслар.

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича 3 та голиб танлаб олинади (1, 2 ва 3-ўрин эгалари).

МУКОФОТЛАШ:

Танловнинг ҳар бир иштирокчиси қимматбаҳо соврин эгаси бўлади (маиший ва офис техникаси). Бундан ташқари, барча иштирокчилар миннатдорлик белгиси сифатида ташкилий кўмита томонидан махсус сертификатлар билан тақдирланади.

Танлов натижалари 2009 йилнинг декабрь ойида эълон қилинади. Ижодий ишлар 2009 йил 21 ноябргача (қун давомида ҳам) қабул қилинади.

Ижодий ишларингизни «ТАНЛОВ» белгиси билан қуйидаги манзилга жўнатишингиз сўралади: UNFPA, БМТнинг Ўзбекистондаги Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, 100090, Тошкент шаҳри, М. Таробий кўчаси, 14-уй.

Изоҳ: Истаган шахслар танловда иштирок этиш учун бир неча ижодий ишларни тақдим этиши мумкин. Қабул қилинган ижодий ишлар танлов иштирокчиларига қайтариб берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги янги муддатли банк омонатлари амалга киритилганини маълум қилади.

«Истеъдод»

- сақлаш муддати — 3 ой;
- фоиз ставкаси — йиллик 26 %;
- фоизлар омонат муддати тугаганидан кейин тўланади;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- биринчи бадал миқдори чекланмаган.

«Нафосат»

- сақлаш муддати — 6 ой;
- фоиз ставкаси — йиллик 25 %;
- фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- биринчи бадал миқдори чекланмаган.

Омонатларга маблағ қабул қилиш 2009 йил 31 декабргача амалга оширилади.

Жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Кўшимча ахборотни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлим/филиалида олиш мумкин. www.nbu.com

ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ САРМОЯДОРЛАР ҲАМДА МУЛҚДОР БЎЛИШ ИСТАГИДАГИ БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз азизларни,

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

жамоаси номидан

2009 йил 12-13 ноябрь кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача ўтказиладиган савдоларимиздаги

МОЛ-МУЛҚЛАР ЯРМАРКАСИГА

лутфан таклиф қиламиз!

Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳамда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, В. П. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти кўмағида ўтказилади.

Ярмарка иштирокчилари «Республика Кўчмас мулк биржаси» ёпиқ акциядорлик жамияти савдоларидаги ўзларини қизиқтирган:

- давлат хусусийлаштириш дастурига киритилган мулклар;
- банкрот қорхоналарнинг мулклар;
- суд қарорларига асосан чиқаришга қўйилган мулклар;
- хусусий секторга тегишли ва бошқа мулклар билан бетафсил танишишлари мумкин.

Ярмарка иштирокчиларига ярмаркага қўйилган мол-мулкларнинг олди-сотдиси юзасидан битимларни имлолаш ва ўзларига керакли бўлган мулкларни харид қилишлари бўйича буюртмалар бериш имконияти яратилади.

ЭСЛАТМА: «Республика Кўчмас мулк биржаси» ёпиқ акциядорлик жамиятининг консалтинг хизмати томонидан савдолардаги мол-мулклар билан талабдорларни таништириш ва савдоларда иштирок этишлари учун кўмак бериш ишлари мунтазам йўлга қўйилган.

САВДОЛАРНИ ОШҚОРА ВА ОММАВИЙ ТАРЗДА ЎТҚАЗИШ БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ!

Ярмарка иштирокчилари учун манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозраев кўчаси, 1-«А» уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 228-88-05, 228-84-48. Факс: 228-79-52.

WWW.RKMB.UZ

Alliance Insurance

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ALLIANCE INSURANCE»

суғурта ташкилоти

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги 210-сонли «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, ўз жавобгарлигини ташкилотимизда суғурталашни таклиф этади.

Суғурта бўйича мутахассис таклиф этилган жойга чиқиши таъминланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 35-уй. Тел.: 120-71-00, 710-30-00, 414-41-77. www.a-insurance.uz e-mail: alliance@a-insurance.uz

Лицензия СФ № 00121

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманида давлат рўйхатидан ўтган «AMIRA SERVICE PROJEKT» масъулият чекланган жамияти тугатилади (КҲТҲ коди 21645586). Барча давло ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 101031, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 40Б, тел: 793-88-20.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Ахборот» Бош муҳарририят режиссёри Жаббор Мажиловга волидан муҳтарамаси

Тўхта ая ҲАСАНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» маркази жамоаси марказининг Навоий ҳудудий лабораторияси бошлиги Носировга отаси Носир ПАРДАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси Санъатшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси Тўлқин Қозоқбоевга онаси

ЛАЗАҚАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси ўқув ишлари бўйича проректор Муродулла Муҳаммадиевга укаси

Савақул НУРМОҢОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



— Директор жамғармаси ҳисобидан хомийлик ёрдами кўрсатилиши мумкинми? А. ҚАРШИЕВ. Чирчиқ тумани

Жамғарманинг мақсади бошқа

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 4-иловага асосан, умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган курсатилган рағбатлантириш мақсадида 2006 йил 1 январдан (иш ҳақиқа нисбатан 12 фойз) республикада мавжуд барча умумтаълим муассасаларида Директор жамғармаси ташкил этилган. Директор жамғармаси маблағлари ўқитувчиларга устамалар, шунингдек, умумтаълим муассасалари ходимларини муассаса ривожланишига қўшган шахсий ҳисса-

Экспорт қилмоқчимиз

— Корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқишни кўзлабдик. Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун Савдо-саноат палатасининг хорижда савдо уйлари ташкил этилганими? З. ҚАРИМОВА. Учкудук шаҳри

— Албатта. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Бельгия, Корея Республикаси, Япония, Хитой ва Россия каби давлатларда савдо уйлари мавжуд бўлиб, сиз маҳсулотингизни ана шу савдо уйлари орқали экспорт қилишингиз мумкин. Бу борада Савдо-саноат палатаси томонидан қуйидагига ёрдам кўрсатилади: инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўмаклашиш; тайёр лойиҳаларни Палатанинг бир қатор хорижий дав-

Соҳтасига алданиб қолманг

— Кўча-қўйда турли хил фильмлар ва концерт дастурларнинг дискларини сотиш билан шугулланувчи шохобчалар, шахслар жуда кўп. Баъзан улардаги маҳсулотлар сифатсиз чиқиб қолади. Айтинг-чи, асл нусха билан соҳтасини ажратиш учун нималарга эътибор қаратиш керак? А. ЮСУПОВ. Чилонзор тумани

— Яқинда бир дўконга кириб, микротўқинли печ олмоқчи бўлдим. Нархи 120 минг сўм экан. Уни пластик карточкага харид қилишимни билган сотувчи кўшимча ўн фойз устама тўлашимни айтиди. Нақд ва нақдсиз харид ўртасида шунча фарқ бўлади? Умуман, бу борада амалдаги тартиб қандай? К. ХОЛМИРЗАЕВ. Янгиқўрғон тумани

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788


ЮЗМА-ЮЗ



Хорижий давлат фуқароларининг мамлакатимизга келганидан сўнг вақтинча рўйхатдан ўтиши қандай тартибда амалга оширилади? Б. ҚОБУЛОВ. Кўкон шаҳри

Вақтинча рўйхатдан ўтилади

— Хорижий фуқаролар, шу жумладан, МДҲга аъзо мамлакатлар фуқароларининг республикамиз ҳудудига келишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги "Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида"ги қарори талабларига асосан белгиланган бўлиб, улар республикамиз ҳудудига кириб келганидан сўнг уч кун муддат ичида (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ҳудудий ички ишлар идоралари ёки меҳмонхоналардан вақтинча рўйхатдан ўтишлари лозим. Э. ҚАЛАНДАРОВ, ИИВ ХҲК ва ФР бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.



У. СОЙПОВА. Фориш тумани

— Ўғлим 20 ёшда, болаликдан II гуруҳ ногирони. Унга кўкрак ва бел умуртқалари сили ташқиси қўйилган. Балоғат ёшидан ўтгач, ҳар йили тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)га қайта кўриқдан ўтиш учун юборишяпти. Бироқ ижобий натижа йўқ. Шу сабабли ногиронлиқ тасдиқловчи ҳужжатни "муддатсиз" олиш имкони мавжудми? Шу ҳақда батафсилроқ тушунча берсангиз. У. СОЙПОВА. Фориш тумани

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари қайси ҳолатларда радардан фойдаланишлари, қайси ҳолатда фойдаланмасликлари керак? Қоронги тушган пайтда ҳам назорат нуқтаи назаридан радар билан туришлари мумкинми? Умуман, бу борада ўрнатилган тартиб-қоида қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз. З. ИБДУЛЛАЕВ. Шўрич тумани

Радардан қачон фойдаланилади?

— Йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этишга оид амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга асосан, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар таҳлиллари, ҳудуддаги йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларидан хулоса чиқарилган ҳолда тезлик ўлчаш мосламаларидан фойдаланилади. Дейлик, автомобиль йўлининг маълум бир қисмида тезликни ошириш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез кузатилади, айни шу жойларда тезлик ўлчаш мосламасидан об-ҳаво ҳароратининг иссиқлиги (совуқлиги) 50 даражадан юқори бўлганда, йўлнинг ёритилмаган қисмларида, ҳавфли бурлишлар бор бўлган жойларда фойдаланиш тақдирланади. А. СУЛТОНХҲАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник.



Ипотека кредити олиш тартиби

— "Галлабанк" негизда ташкил этилган акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"и зиммасига жойларда уй-жой қурилиши учун кредитлар ажратиш вазифаси юклатилгани ҳақида газетадан ўқиб билдик. Айтинг-чи, "Қишлоқ қурилиш банк"идан ушбу мақсадда кредит олиш ва уни тўлаш тартиби қандай? Бунинг учун кимга мурожаат қилиш керак? С. БЕРДИЕВ. Самарқанд шаҳри

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги "Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли шартлар асосида кредит маблағи 15 йил муддатга, энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайсиз томонидан ижобий қарор қабул қилинганда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фойзи миқдориде берилади. Қарз олувчи (биргалиқда қарз олувчилар)га қуйидаги талаблар қўйилган: қишлоқ жойларда яшайдиган 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши; охириги 12 ой мобайнида доимий иш жойига (доимий даромад-

Ҳужжат ва муддат

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги "Тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)га қайта кўриқдан ўтиш учун юборишяпти. Бироқ ижобий натижа йўқ. Шу сабабли ногиронлиқ тасдиқловчи ҳужжатни "муддатсиз" олиш имкони мавжудми? Шу ҳақда батафсилроқ тушунча берсангиз. А. ЭРГАШЕВ, Жиззах вилояти бош ТМЭК раиси.

— Тўрт нафар фарзандим бор. Шулардан бири болаликдан туғма ногирон. 50 ёшга тўқдим, ногирон болани парваришлаб ишлагандан ўтган давримни иш стажига қўшиб, менга 50 ёшда имтиёзли пенсия тайинлаш мумкинми? А. АБДУРАҲМОНОВА. Урганч шаҳри

Пенсияга имтиёзли чиқсам бўладими?

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "з" бандига асосан, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни сақий ёшга тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшга тарбиялаган бўлсалар, болани парваришлаган вақтни қўшиб ҳисоблаганда, иш стажига 20 йил бўлса ёки болани парваришлаган учун кетган вақт қўшилганда, иш стажига қамда 15 йил бўлганда пенсия тайинланади. А. АВЕЗОВ, Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Васиятнома ижроси

— Ўзбекистон Республикаси ишлари этаётган халқаро шартномаларга мувофиқ, чет давлат қонунда кўзда тутилган шакл бўйича тузилган васиятнома васият қилувчи вафот этгандан кейин қандай бажарилади? Ш. ҚАРИМОВ. Гулистон тумани

— Васиятнома васият қилувчи вафот этганидан кейин уни очиб ва эълон қилиш учун нотариал идорага тақдим этилган тақдирда, давлат нотариуси васиятноманинг мазмунини эълон қилади, васиятноманинг ҳолати ва мазмунини тўғрисида баённома (протокол) тузилади. Баённомада васиятнома тузилган кун, тақдим этаётган шахсининг номи, ҳужжатнинг ҳолати, унинг муҳрланган ёки очик ҳолда тақдим этилганлиги, унда ўчирил-

ган жойлар, тузатишлар ёки бошқа камчиликлар бўлганлиги ёки йўқлиги кўрсатиб ўтилади. Баённома давлат нотариуси ва васиятноманинг тақдим этган шахс томонидан васиятноманинг ҳар бир саҳифасига имзо қўйилади. Агар васиятнома нотариусга муҳрланган ҳолда сақланиб келинган бўлса, юқорида кўрсатилган барча ҳаракатларни нотариуснинг бир ўзи бажаради. Музаффар СОЛИЕВ, ҳуқуқшунос.

Тўловларни қабул қилишлари шарт

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 июлда рўйхатга олинган "Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ, тўлов терминаллари ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишлари шарт. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сотувчи ходимлари (маъсۇл шахслар) томонидан тўлов терминалининг носозлиги баҳона қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асосис равишда оширилишига йўл қўйилмайди. Демак, ҳисоб-китоб чоғида нақд пул ва пластик карточка ўртасида фарқ бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, Президентни-

пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади. О. БОЙБЕКОВ, Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз! МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳух — Ш. Машраббоев.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788